

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Назарова Лайло Гелдимуродовна
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

Аннотация:

Мақолада мулкни хатлаши соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг субъект таркиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ва гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар шахсларнинг, шунингдек гумонланувчи, айбланувчи ёки уларнинг ҳаракатлари учун қонуний жавобгар бўлмаган бошقا шахсларнинг мол-мulkини хатлаши бўйича процессуал фаолиятни амалга ошириши жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар юзасидан муаллиф фикрлари баён этилган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: хатлаш, терговчи, суринимирувчи, айбланувчи, зарар, мол-мulk, баённома, далиллар, миқдор.

ВОПРОСЫ УСИЛЕНИЯ МЕР ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ГРАЖДАНСКОГО ИСКА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Назарова Лайло Гелдимуродовна
Независимый соискатель Университета общественной безопасности

Аннотация:

В статье изложен авторский взгляд на правоотношения, возникающие при производстве процессуальных действий по наложению ареста на имущество подозреваемого, обвиняемого или лиц, виновных в своих действиях, а также подозреваемого, обвиняемого или лиц, не несущих юридическую ответственность за своих действий. Также, разрабатываются предложения и рекомендации чтобы заполнить существующие пробелы в уголовно-процессуальном законодательстве.

Ключевые слова: арест на имущество, следователь, дознаватель, обвиняемый, ущерб, имущество, протокол, доказательства, размер.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистонда Республикаси ҳудудида жиноий йўл билан топилган ва хорижга чиқариб юборилган пул маблағларини қайтариш бўйича чора-тадбир (процессуал ҳаракат ва тезкор-қидириув тадбир)лар ташкил этилади. Хуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, активларнинг асосий қисми жиноят иши қўзғатилгунга қадар олиб чиқиб кетилади. Уларни аниқлашда тезкор маълумотлар муҳим ўринга эга. Шу билан бирга, халқаро хамкорликсиз давлатдан ташқарида бўлган пул маблағларини аниқлаш ва уларни хатлаш имконсиз. Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий марказий бюроси орқали ҳам хорижда рўйхатда ўтган юридик шахслар (номи, манзили, рўйхатдан ўтган сана ва рақами, уларнинг раҳбарлари-жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар, устав капитали миқдори) тўғрисида маълумот олиш мумкин.

Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий марказий бюроси томонидан олинган ушбу маълумотлар асосида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хуқуқий ёрдам қўрсатиш тўғрисида сўров юборилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномада⁴ ўғирланган мулкни қидириш ва бериш; жиноий йўл билан топилган даромадларни қонунийлаштириш орқали эришилган мулкнинг қидируви бўйича ўзаро хуқуқий ёрдам қўрсатилиши белгилаб қўйилган. Бундан мазмундаги бандларни бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган конвенцияларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий йўл билан топилган пул маблағларини хатлашдаги асосий муаммолар хуқуқий ёрдам қўрсатиш тўғрисидаги сўров юбориш тартибининг етарлича мураккаб ва кўп вақт талаб қилиши ёки юборилган сўровни бажаришни расмий асосларга кўра рад қилиш билан боғлиқ. Шунинг учун аксарият ҳолларда етказилган заарар миқдорига қараб иш тутилади: қиймат юқори бўлмаган жиноят ишлари бўйича иш юқоридаги тартибда ташкил этилмаяпти.

Бундан ташқари, бугунги кунда дунё бўйича янги турдаги виртуал пул маблағлари – криптовалютани хатлаш имкониятлари ҳам кўриб чиқилмоқда. Ҳаттоқи мазкур рақамли валюта (криптовалюта) бир қанча хорижий давлатлар (Япония, Исландия, Швейцария, Германия, Янги Зеландия, Венесуела)да расмий тўлов воситаси бўлиб хизмат қилмоқда⁵. Криптовалюта – универсал

⁴ <https://lex.uz/docs/1326768>

⁵ Мельник, В. С. Криптовалюта как предмет наложения ареста на имущество / В. С. Мельник // Уголовный процесс и криминалистика: теория, практика, дидактика : Сборник материалов VII Всероссийской научно-практической конференции, Рязань, 16 декабря 2021 года. – Рязань: Академия права и управления Федеральной

алмаштириш воситаси сифатида халқаро айланмада фойдаланувчи биткоин ёки бошқа бошқа рақамли белги (токен) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар криптоактивлар ва токенлар билан барча турдаги операцияларни миллий валютада (сўмда) амалга ошириш ҳуқуқига эга ва Ўзбекистонликларга криптовалюталарни биржаларда сотиб олишга рухсат берилган⁶. Айни вақтда эса криптовалютани хатлаш масаласи қонунчилигимизда аниқ тартибга солинмаган. Шунинг учун бундай турдаги пул маблағларини хатлашда янги техник ва ҳуқуқий тусдаги муаммолар келиб чиқиши мумкин. Муаммо шундаки, мулки хатланиши керак бўлган шахсларда уларни виртуал пулларга алмаштириб олиши имконияти бўлади. Бу эса уларни хатлаш жараёнини мураккаблаштиради ёки бутунлай имконсиз ҳолга келтириши мумкин.

Криптовалютани хатлашдаги мураккабликлардан бири бу унинг предмети билан боғлиқ. Ташқи томондан унинг шакли электрон пулларга ўхшайди. Лекин, электрон пуллар айланмаси учун ўртада банк каби воситачилар орқали амалга оширилса, блокчейн технологияси эса маъмурий хизмат кўрсатувчи учинчи шахслар иштироки (банк)сиз ўтказмаларни амалга оширадилар. Тизим автоном ишлайди. Шунинг учун мазкур виртуал валютани хатлаш ёки унга операцияларга бошқача тақиқ қўйиш муаммоли масала. Бундан ташқари, агар хатланган тақдирда ҳам криптовалютани қаерда ва қандай сақлаш масаласи ҳам бор. Одатда уларнинг эгалари ўз пулларини криптоҳамёнда сақлашади.

Ҳозирги кунда Copay, Bitcoin, Wallet, Airbitz каби машхур электрон ҳамёнлар орқали мулқдор ҳар қандай операцияларни амалга ошира олади. Япония, Австрия ва Финляндия⁷ каби давлатлар эса рақамли пулларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар криптоҳамёнига ўтказиш орқали уларни сақлаб турадилар. Шунинг учун биринчи навбатда, мазкур турдаги виртуал валютани хатлашдаги мураккабликларнинг олдини олиш учун унинг қонунчилик (ҳуқуқий) асосларини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун криптовалютани мулк ҳуқуқи обьекти сифатида қонунда белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг хатланган рақамли пулларни сақлаб туриш учун ўз криптоҳамёнларини яратиш, процесс иштирокчилари криптоҳамёнларининг реквизитларини белгилаш талаб этилади.

службы исполнения наказаний, 2022. – С. 245-249. – EDN HDVHSU.
https://elibrary.ru/download/elibrary_48986930_79898812.pdf

⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/23/crypto/>

⁷ Japanese Police Seize Cryptocurrency for Parking Violations. URL: <https://news.bitcoin.com/japanese-police-seize-cryptocurrency-parking-violations>

Хозирги вақтда процесс иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тергов органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш тергов соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири саналади. Мазкур масалани ижобий ҳал этишнинг ечими сифатида судга қадар даврда мол-мulkни хатлаш ваколатини, аникроғи унинг ижросини таъминлашни суд ижро чиларига ўтказиш таклифи ҳам илмий тадқиқот ишларида таҳлил қилинган⁸. Бу билан суриштирувчи, терговчиларнинг бу борадаги ваколати бекор бўлади. Уларга кўра, ижро иши юритувини амалга оширувчи мансабдор шахснинг тергов жараёнида мол-мulkни хатлашдаги иштироки ҳукмнинг мулкий ундиришларга оид қимининг ижросини таъминлашни осонлаштиради.

Бошқа бир олимлар эса суд (давлат) ижро чиларини мутахассис сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқлигини билдиришган⁹. Аммо, юқоридаги биринчи фикрни қўллаб-қувватлаган олимларнинг фикрлари билан келишиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси учун бундай “янги” тартибнинг жорий этилиши тергов соҳасида бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Бизнингча, бундай тартибни Ўзбекистон Республикасида қуйидаги асосга кўра жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас: жиноят иши қўзғатилгандан бошлаб то жиноят иши судга оширилгунга қадар унга жиноят ишини юритаётган шахс унга масъул саналади ва келиб чиқадиган барча ҳуқуқий оқибатларга у жавоб бериши керак. Тергов жараёнида хатлаш жараёнида давлат ижро чиларининг иштироки бир қанча ижобий жиҳатларга эга бўлсада, хатлаш билан боғлиқ мураккаб масалаларда сансалорликни келтириб чиқаради. Бунинг устига хатлашнинг процессуал тартиби мураккаб эмас ва алоҳида билим талаб этиладиган ҳолларда мутахассис таклиф этилади ва мутахасис сифатида давлат ижро чилари ҳам иштирок этиши мумкин.

Фуқаровий жавобгарларга тегишли бўлган ҳар қандай мол-мulkни хатлаб бўлмайди. Ҳар бир суриштирувчи, терговчи содир этилган жиноят моддий зарар билан боғлиқ бўлган ҳолларда айни шу масалани инобатга олишлари шарт. ЖПКнинг 290-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал яшashi учун керакли уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмларни хатлаш мумкин эмас. Бундан ташқари, хатлаш мумкин бўлмаган нарса-буюмларнинг тўлиқ рўйхати

⁸ Жалбуу Ганбатор Особенности хранения имущества, на которое наложен арест по уголовно-процессуальным кодексам Российской Федерации и Монголии // Сибирское юридическое обозрение. 2016. №2 (31). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-hraneniya-imuschestva-na-kotoroe-nalozhen-arest-po-ugolovno-protsessualnym-kodeksam-rossiyskoy-federatsii-i-mongolii>

⁹ Самандаров К. Б. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУЛКНИ ХАТЛАШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ СУБЪЕКТИВ ТАРКИБИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-3. <https://tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/5357/5081>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарорида назарда тутилган¹⁰. Ушбу хужжат ҳам жиноят ишини юритишга масъул шахслар, ҳам суд қарорларини ижросини таъминловчи давлат ижрочилари учун ҳам амал қиласди.

Суд-тергов амалиётида мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ яна бир долзарб масала – хатланган мулкларни уларнинг тақдири қонунда назарда тутилган тартибда ҳал этилгунга қадар ишончли сақлаш масаласидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 294-моддасига кўра, хатланган мол-мулк сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин. Яъни, судга қадар иш юритишида суриштиручи, терговчи ўзи хатлаган мол-мулкни қаерда ва кимда сақлаш масаласини ўзи иш ҳолатлари, мулнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳал этади.

Тергов амалиётида аксарият ҳолларда хатланган мулклар улар жойлашган ҳудудда мулк эгасининг ўзида сақлаш учун қолдирилади. Бу ҳолатда эса ўз-ўзидан мулкнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи ортади. Шунингдек, ЖПК нафақат гумон қилинувчи, айбланувчининг ўзида, балки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга ҳам хатланган мулкни сақлаш учун қолдиришга рухсат берган. Суриштирувчи, терговчи мазкур шахслардан тилхат олиб, мулкка зарар етказилган тақдирда келиб чиқадиган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 майдаги 132-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этишида хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисида»ги Низомда хатланган мол-мулкларни сақлаш тартиби белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда банк ва бошқа кредит ташкилотлари ҳисоб-рақамидаги пул маблағларини сақлаш бўйича тергов ҳаракати мавжуд эмас. Мантиқан ўйланганда, хатланган мол-мулкни хатлаш учун топшириш кўчар мулк ва қоғоз кўринишидаги пул маблағларига нисбатан ишлатилади. Чунки уларни зарурат бўлганда жисмоний таъсир кўрсатиш орқали бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин. Тергов амалиётида айнан хатланган мулкларни сақлаш жойи билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

¹⁰ Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро хужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарорига илова. (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 203-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.02.2022 й., 09/22/62/0111-сон)

Ўтказилган сўров натижаларига кўра аксарият ҳолларда хатланган мулклар сақлаш учун мулк эгасининг ўзида қолдирилиши аниқланди. Бу эса жиноят иши доирасида айнан кўчар мулкни сақлаш учун суриштирувчи, терговчиларга жой етарли эмаслигини кўрсатади. Уларнинг мулкдорнинг ўзида қолдирилиши эса мулкнинг йўқ бўлиш ёки бошқача тарзда шикастланиш хавфини оширади.